

ХУҚУҚБУЗАРЛИКДАН ЖАБРЛАГАН ШАСЛАРНИ ИЖТИМОЙ  
РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИЖТИМОЙ МОСЛАШТИРИШ ФАОЛИЯТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7878258>

Саъдуллаев Ғиёс Шухрат ўғли

Ички Ишлар Вазирлиги Академияси З-босқич курсанти, сафдор

**Аннотация:** Ушбу мақолада хуқуқбузарликлар профилактикасида ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари тушунчаси ва мазмуни, ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини амалга оширилишининг бугунги қундаги ҳолати, хуқуқбузарликлар профилактикасида ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Шу билан биргаликда хуқуқбузарликлар профилактикасида ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари доирасида қўлланиладиган процессуал ҳужжатлар, ушбу фаолиятдаги муаммо ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш борасида таклиф ва тавсиялар, шунингдек, хуқуқбузарликлар профилактикасида ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича хорижий давлатларнинг тажрибаси ва уларнинг миллий қонунчилигимиздан фарқли ва ўхшаши томонлари таҳлили ёритилган.

**Калит сўзлар:** хуқуқбузарликлар профилактикаси, ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш, процессуал ҳужжатлар, такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, миллий қонунчилигимиздан фарқли ва ўхшаши томонлари.

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам ўзининг дастлабки сиёсий чиқишлиарида ушбу мавзуга алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишенланган тантанали маросимдаги «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови» номли маърузада: «Биз «Адолат – қонун устуворлигига» деган тамойил асосида жамиятимизда ҳурмат, хуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада хуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало маҷалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самараси ва масъулиятини ошириш, улар учун муносиб

хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини қўришимиз даркор»<sup>17</sup> деб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, хусусан, ички ишлар органларининг бу борадаги фаолияти бўйича ўз муносабатини билдириди ва унинг долзарблигига барчанинг эътиборини қаратди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини қўллаш фаолиятини асосий мақсади айнан жамиятдаги ижтимоий-иктисодий муаммолар (ишсизлик, сурункали ичкилиkbозлик ва гиёхвандлик) ёки жиноятчиликнинг оқибатида пайдо бўладиган салбий ижтимоий-иллатлар дайди ва тиламчиларнинг сони ошиб кетишини ва шунга ўхшаш бошқа турдаги ҳолатларни олдини олиш. Шу жумладан фуқароларнинг ижтимоий турмуш тарзини яхшилаш, улар ўртасидаги ишсизликни бартараф этиш, мавжуд муаммоларини бартараф этишда кўмаклашиш ҳам ушбу жамиятдаги мавжуд салбий ижтимоий иллатларни баратараф этишнинг асосий усусларидан бири сифатида қаралади.

Ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини қўллашга мухтоj бўлган шахсларни жамиятимизда пайдо бўлишига қуйидаги соҳалардага камчиликларни қўрсатишимиз мумкин:

- 1.Ижтимоий-иктисодий соҳадаги камчиликлар;
- 2.Фуқароларнинг маънавий-сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий тарбиясидаги камчиликлар;
- 3.Ташкилий ва бошқарув соҳасидаги камчиликлар;
- 4.Меҳнатга боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш йўлидаги камчиликлар;
- 5.Давлат органлари ва ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги камчиликлар;
- 6.Давлат органлари ва жамоатчиликнинг ҳамкорликдаги камчиликлари.

### **АСОСИЙ ҚИСМ ВА ТАДҚИҚОТЛАР**

Инсон хулқи мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса бўлиб, уни ўрганишда тизимли ёндашув ва эҳтимол тутилган жараёнлар ҳақидаги замонавий тасаввурларга эга бўлиш талаб қилинади. Ҳар бир ахлоқий ҳодисанинг моҳияти унинг шахс хулқининг умумий тузилишидаги ўрни билан боғлиқ. Индивидуал ривожланиш жараёнида ахлоқий тизимлар индивидуал ахлоқий стратегиянинг мураккаб мажмуига айланади ва шахснинг ахлоқий типини ҳосил қиласди.

Анъанага кўра, ғайриижтимоий хулқ сабаблари икки гурӯхга – ижтимоий ва биологик сабабларга ажратилади. Бироқ, ахлоқ-одоб меъёрлари (қоида)дан оғувчи хулқнинг кўплаб кўринишларини таҳлил қилиш мазкур муаммони

<sup>17</sup> Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи. – 2016. – 7 дек.

# JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH

## VOLUME-6, ISSUE-4 (30-APRIL)

бошқачароқ, яъни тизимли-интеграциялашган (бирлашган) ҳолда ўрганиш зарур, деган холосага олиб келади.

Ижтимоийлик ёки биологиклик омилларига «руҳийлик» номли тизим ҳосил қилувчи омилни киритиш ҳамда инсон хулқининг сабабий боғланишлари (детерминацияси) билан боғлиқ барча муаммолар мажмуини ижтимоий-психологик-биологик сабаблар деб аташ зарур. Бунда «психологик» жиҳатнинг ўртада жойлашгани унинг ҳам ижтимоий, ҳам биологик омил учун бирлаштирувчи функцияга эгалигини англаради.

Тиббиётда касалликка қарши курашгандан кўра, унинг олдини олиш асосий вазифа этиб белгиланганидек, криминологияда ҳам жиноят учун жазо бергандан кўра, унинг олдини олишнинг маъқуллиги умумэътироф этилган. Шунга кўра, жиноятларнинг профилактикаси – унга қарши кураш соҳасида энг муҳим, самарали ва инсонпарвар йўналишлардан биридир.

Жиноятлар профилактикасига таъриф беришда Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонунининг З-моддаси (асосий тушунчалар)да келтирилган «хуқуқбузарликлар профилактикаси» тушунчасининг таърифига асосланиш мумкин. Унга кўра, хуқуқбузарликлар профилактикаси деганда, хуқуқтартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, хуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган хуқуқбузарликлар умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг хуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чоратадбирлари тизими тушунилади.

Фикримизча, ушбу таърифда хуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилишининг мақсади тўлиқ акс этмаган, яъни унда қўйидагилар кўрсатилган:

- хуқуқтартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш;
- хуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш;
- хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш.

Бизнингча, хуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилишининг мақсадини қўйидагилар билан тўлдириш мумкин:

– фуқароларнинг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларда қонунга итоаткорлик хулқатворини шакллантириш ва хуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳиссини уйғотиши;

– фуқароларни хуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфи ҳақида огоҳ этиш, уларни хуқуқбузарликлардан ҳимояланишининг усуслари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш, шунингдек уларнинг хуқуқбузарликларнинг қурбонига айланиши хавфини камайтириш; 6) хуқуқ бузарликлар содир этилишининг олдини олиш;

–хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларга, хуқуқбузарлик содир этган шахсларга, хуқуқбузарлик содир этганлиги учун илгари судланган шахсларга нисбатан уларнинг тузалиши ва такроран хуқуқбузарлик содир этишининг олдини олишга қаратилган профилактика ишларини юритиш;

–хуқуқбузарлик қурбонларини, хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларни, хуқуқбузарлик содир этган шахсларни, хуқуқбузарлик содир этганлиги учун илгари судланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш.

Ўйлашимизча, хуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилишининг таҳлилидан келиб чиқиб, ушбу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Шу боис, хуқуқбузарликлар, хусусан жиноятлар профилактикаси тушунчасига таъриф беришда уни амалга оширилишини муайян мақсадлар билан чегаралаб қўйиш мақсадга мувофиқ эмас. Шунингдек, таҳлил қилинаётган таърифда хуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларининг тизими ўз ичига хуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирларни қамраб олиши таъкидланган.

Ушбу фикрни батафсилроқ баён этиш заруратидан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш жоизки, ўтказилган таҳлиллар хуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларининг тизимиға қуидагиларни киритиш мумкинлигидан далолат беради:

- хуқуқий чора-тадбирлар;
- тарбиявий-профилактик чора-тадбирлар;
- ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар;
- маънавий-ахлоқий чора-тадбирлар;
- тиббий чора-тадбирлар;
- психологик чора-тадбирлар;
- ташкилий чора-тадбирлар;
- бошқа чора-тадбирлар.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, таҳлил қилинаётган тушунчага қуидагича таъриф бериш мумкин: *жиноятларнинг профилактикаси* деганда, жиноятлар умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг хуқуқий, тарбиявий-профилактик, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий, тиббий, психологик, ташкилий ва бошқа чора-тадбирларининг тизими тушунилади<sup>18</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Конунида ижтимоий

<sup>18</sup> Исмаилов И. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим мұассасалари учун дарслер/И. Исмаилов, Қ. Р. Абдурасулова, И. Ю. Фазилов; Масъул мұҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 272 бет.

реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш якка тартибдаги профилактиканинг чора-тадбири сифатида белгиланган.

Шу жойда, айрим тушунмовчиликлар келиб чиқади, масалан қонуннинг 28-моддасида “Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси”<sup>19</sup>, - деб таъриф берилган, бўлиб ундан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ҳуқуқбузарлик содир этган ёки ҳуқуқбузарликларга мойил шахслар билан амалга оширилиши лозимдир, аммо мазкур қонуннинг 3-моддасида **Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш** – “жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларга, жиноят содир этган шахсларга, жиноят қурбонларига ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга, уларни нормал турмуш тарзига қайтаришга қаратилган чора тадбирлар мажмуи”, - деб тушунча берилган. Ҳар иккала таърифни бир бирига солиштирсан 3-моддага кўра ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш якка ва виктимологик профилактика чора-тадбири, 28-моддага асосан якка тартибдаги профилактиканинг таърифи деб тушуниш мумкин, бу иккала тушунчалар бир бирига зид (коллизия) келиб, қонунчиликдаги камчиликларни келтириб чиқаради.

Шу боисдан, қонундаги бу каби бирига зид бўлган нормаларни (коллизия) бошқатдан кўриб чиқиш ҳамда уларни бартараф этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, масалан, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасида ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чораларига бошқача тушунча, виктимологик профилактикасига оид нормаларда бошқача тушунча бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Албатта ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятида ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари амалга оширишда улар йўналтирилаётган шахсларнинг хулқига алоҳида эътибор қаратилиши шарт, айниқса, жиноят содир этган шахсларга эътибор қаратиш, уларнинг нимага муҳтоҷлигини аниқлаш ва муаммоларини ўрганиш бу жараёнда муҳим аҳамият касб этади.<sup>20</sup>

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. 28-моддаси

<sup>20</sup> Ички ишлар органлари профилактик фаолияти: Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти мутаҳасислиги учун: Маъruzalар курси / А.С.Турсунов, И.Исмаилов, И.Ю.Фозилов, Б.Ф Алимов, З.А.Амирот, С.Б.Хўжақулов, Қ.А.Саитқулов, Ш.Р.Фофуров; Масъул мухаррир Б. А. Матлюбов — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018.

Аксарият жиноятчиларнинг хулқига ижтимоий қадриятларга мослаша олмаслик (дезадаптация) ва ўзини ўзи бошқаришдаги нуқсонлар хосдир. Индивиднинг ўзини ўзи бошқариш имкониятлари паст даражада бўлганида, ғайриижтимоий майллари, одатлари нафақат назорат қилинмайди, балки уларнинг ўzlари хулқнинг мақсад ҳосил қилувчи механизмларига айланади.

Криминолог олим З.С.Зарипов ва И. Исмаиловлар жиноий хулқ шаклланиш жараёнини қуйидаги тоифаларга ажратишади: а) шахс эҳтиёжи ва манфаатлари бузилиши билан боғлиқ жиноий хулқ шаклланиш жараёни; б) шахс эҳтиёжи (манфаати) ва имконияти ўртасидаги фарқ (қарама-қаршилик) билан боғлиқ жараёнлар; в) шахс маънавий ва ҳуқуқий тасаввурининг, қадриятлар ва ижтимоий йўналишининг бузилиши билан боғлиқ жараёнлар; г) қарор қабул қилиш ва амалга оширишдаги нуқсон ва камчиликлар билан боғлиқ жараёнлар<sup>21</sup>.

Жиноий хатти-ҳаракат жараёни қуйидаги асосий қисмларни ўз ичига олади: мотивация, қарор қабул қилиш ва уни амалга ошириш. Ҳар қандай ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хатти- ҳаракат бу шахсдаги ўзига хос хусусиятлар билан ташқи муҳитнинг ўртасидаги алоқанинг натижаси деган фикрга асосланган ҳолда муайян жиноий хатти-ҳаракат жараёнини қуйидагича тасвирласа бўлади:

Рус олими Г. А. Аванесов инсон хатти-ҳаракатига салбий таъсир этувчи қуйидаги биологик шарт-шароитларни ажратади:

– жинсий бузилиш ва жиноятларнинг сабабига айланадиган биологик эҳтиёжлар патологияси;

– асаб тизимининг қўзғалувчанлигини кучайтирадиган, ноадекват реакцияни келтириб чиқарадиган ва ҳаракатларни ижтимоий назорат қилишни қийинлаштирадиган асаб-руҳий касалликлар (психопатиялар, невростениялар, касаллик ва соғлиқ чегарасидаги ҳолатлар);

– турли хил психосоматик, аллергик, заҳарвандлик билан боғлиқ касалликларга олиб келадиган ва қўшимча жиноий омил бўлиб хизмат қиладиган психофизиологик зўриқишлилар<sup>22</sup>.

Руҳий аномалия (нормадан оғиш)лар эса ирсий (генетик) илдизларга эга бўлиб, асабий-руҳий бузилишлар фақат ноқулай муҳит таъсиридагина жиноий хулқнинг сабаби бўлиши мумкин.

ХХ асрнинг 20-йилларидаёқ психиатрлар (Антонян Ю.М., Бородин Ц. А., Виноградов М. В., Голуб Ц. А. ва бошқ.) жиноий хулқ тури билан руҳий аномалия ўртасида боғлиқлик мавжудлигини таъкидлаганлар. Масалан, рус олими Ю.М. Антоняннинг фикрича, «...ақли ожизлар, кундалик ҳаётга мослаша олмайдиганлар ўzlарининг тубан эҳтиёжларини қондириш мақсадида

<sup>21</sup> Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология. – Т., 1996 –130-бет.

<sup>22</sup> Аванесов Г. А. Криминология и социальная профилактика. – М., 1999. – С. 226–230.

үғрилик, баъзан эса қотиллик жиноятларини содир этадилар. Бекарор ва ташки мухит таъсирига тез берилувчан ихтиёrsиз психопатлар одатдаги үғрилар сафини осон тўлдирадилар; маъносиз руҳий ҳис-туйғулар ва кучли тубан майлларга эга бўлган психопатлардан эса бандитлар, ғаразли қотиллар бошқаларга қараганда осонроқ ҳосил бўлади; патологик қўзғалувчанлиги билан ажралиб турадиган психопатлар арзимаган нарса туфайли атрофдагилар билан осон айтишиб қоладилар, жамоат тартибини бузадилар»<sup>23</sup>.

Руҳий аномалияларга чалингган шахсларнинг улуши (коэффициенти) барча жиноятчиликларнинг тахминан 70 % ини ташкил қиласди.

Маълум бўлишича, руҳий аномалия ҳолатида шахслар томонидан жисмоний куч ишлатиш (одам ўлдириш, номусга тегиш, тан жароҳати етказиш) ва безорилик жиноятлари содир этилган. Масалан, ақли расо деб тан олинган ва одам ўлдириш, номусга тегиш, тан жароҳати етказиш жиноятларини содир этган вояга етмаганлар суд-психиатрия экспертизасидан ўтказилганда уларнинг ҳар беш нафаридан уч нафарида ақли расо бўлган ҳолда ўз жиноий қилмишларига йўл очувчи турли аномалия ҳолатлари борлиги аниқланган. Ички ишлар органларининг тегишли хизмат соҳалари ҳисобида турган вояга етмаганлар содир етган ҳуқуқбузарлик<sup>24</sup>ларнинг 23–43 % ини руҳиятида турли даражадаги руҳий камчиликлар мавжуд бўлган ёшлар амалга оширганлар. Жисмоний куч ишлатиш орқали оғир турдаги жиноят<sup>25</sup> содир этганларнинг умумий миқдорида аномалия ҳолатларининг мавжудлиги таҳлил этилганда 33 % шахсларда аномалия ҳолатлари, 19 % ида марказий асаб тизимининг органик жароҳати, 18 % ида бош мия жароҳати, 17 % ида сурункали алкоголизм аломатларининг мавжудлиги аниқланган<sup>26</sup>.

Ижтимоийлашган шахс барча вазият ва шароитларда барқарор ва яхлитdir. Жиноятчи шахс эса вазиятга тобедир. Шу билан бирга, ашаддий

<sup>23</sup> Антонян Ю. М. Преступность и психические аномалии. – М., 1990. – С. 67.

<sup>24</sup> Ҳуқуқбузарлик – жамиятда ўрнатилган ва қонун асосида белгиланган тартиб ёки умуман ижтимоий яшаш қоидаларини бузиш. Ўз ҳусусиятларига кўра ҳуқуқбузарлик – жиноят, ножуя ҳаракат, интизомни бузиш шаклида бўлади. Кўп ҳолларда ҳуқуқбузарлик қонунбузарлик сўзи билан ҳамоҳанг баён этилади. Барча ҳуқуқбузарликлар жиноят эмас. Шу билан бирга, қонунбузарликларнинг барчаси ҳам жиноят бўлмаслиги мумкин. Жиноят деб айтиш учун унинг ўзига хос белгилари бўлиши зарур // Юридик энциклопедия / Проф. У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2001. – 652-б.

<sup>25</sup> Жиноят – ЎзР ЖКнинг 14-моддасига асосан, ЖК билан тақиқланган айбли, ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳди迪 билан жиноят деб ҳисобланади. Жиноят бошқа қоидабузарликлардан ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб турди. Бу қилмишнинг ижтимоий хавфлилигидир. Чунки жиноят натижасида жамият ва шахс учун ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказилади. Шунинг учун жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси жиноий оқибатда акс этади // Юридик энциклопедия / Проф. У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2001. – 156-б.

<sup>26</sup> Криминология: Дарслик / Проф. З.С.Зариповнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2007. – 91-б.

жиноятчиларга хос барқарор ғайриижтимоий йўналганлик уларда тегишли устунлик қилувчи криминоген мотивлар, жамият учун хавфли англашган, уларнинг ҳаёти ва фаолиятидаги бошқа барча кўринишларни ўзига бўйсундирувчи интилишлар борлигидан далолат беради.

Қонунга итоат қиласидиган ва ўзини ўзи юксак даражада бошқара оладиган ҳалол инсон учун «жиноий» вазиятлар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Вазият ўз-ўзича жиноятни келтириб чиқара олмайди, у факат ғайриижтимоий феълга эга бўлган шахснинг муайян қарашлари ва мақсадларини амалга ошириши учун мос бўлиши мумкин, холос.

Ҳар бир инсонда ижобий хулқ мавжуд бўлиб, бу хулқ англашган бўлса ҳамда қарорни эркин, тўғри қабул қилса, вазиятнинг қулига айланмайди, албатта.

Бироқ, инсон хулқининг руҳий бошқарув даражаси қанчалик паст бўлса, унинг хулқида вазият билан боғлиқ ҳолатлар шунчалик катта аҳамиятга эга бўлади. Кўпчилик жиноятчиларга ҳақиқатан ҳам хулқининг вазият билан боғлиқлиги хос бўлиб, бу унинг феълига хос жиҳатдир.

Инсон ўзи учун муайян қийматга эга бўлган нарса, ҳодиса сабаблигина фаол ҳаракат қиласиди. Қадриятлар тизими индивидуал бўлиб, у инсоннинг руҳий фаоллигини белгилаб беради: бир киши учун ҳаётий муҳим бўлган нарса, бошқа шахс учун унчалик муҳим бўлмаслиги мумкин.

Жиноятчининг хулқи ҳам қадриятлар асосида йўналган. Аммо жиноятчининг қадриятлари бузилган, улар ижтимоий қадриятларнинг умум эътироф этган тизимга мос келмайди.

Баъзи одамлар нотаниш инсонни ўлим хаввидан ўйлаб ўтирамай қутқарадилар, бошқалар эса ўйлаб ўтирамай пичноқни қариндошига санчадилар – ҳаммаси у ёки бу одамлар учун ҳаётнинг қайси томонлари муҳим эканлигига боғлиқ. Ижтимоий жиҳатдан ижобий қадриятлар тизими туғма эмас, у жамиятдаги тарбия жараёнида шаклланади.

Жиноятчининг ижтимоий-ижобий қадриятларга салбий муносабати доимо жамиятдаги тарбия нуқсонларининг натижасидир.

Ижтимоийлашган шахснинг энг асосий эҳтиёжи ижтимоий-ижобий қадриятларни амалга ошириш эҳтиёжидир. Ашаддий жиноятчида бундай эҳтиёжнинг йўқлиги унинг асосий хусусиятидир.

Мазкур маълумотлар асосида шуни алоҳида такидлаб ўтиш лозимки, ғайриижтимоий хулқ-атворни шаклланишида нафақат шахснинг хусусиятлари, балки унга салбий таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларга ҳам боғлиқлигини кўриш мумкин. Шу муносабат билан, фуқаролар, айниқса вояга етмаганлар ва ёшларга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш, яъни инсон руҳиятини салбий таъсирлардан асраш чораларига алоҳида эътибор қаратиш лозим экан.

**Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чоралари**  
хукуқбузарлиқдан жабрланганларга, ғайриижтимоий хулқ-атворли,

ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб турлича усулларда қўлланилади.

**Хуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларга нисбатан соғлигини тиклашда тиббий, руҳиятини қутаришда психологик ёрдам кўрсатиш орқали қайта тиклаш, маънавий ёки мулкий зарарни ундириб бериш, руҳий тушкунликдан кутулишга ёрдам кўрсатиш орқали амалга оширилади.**

*Гайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан эса, уларни ўқишига ёки ишга жойлаштириш, доимий ёки вақтинчалик уй-жой билан таъминлаш, моддий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда ўз ифодасини топади.*

#### ХУЛОСА

**Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чоралари маҳсус муассасаларда ёки ижтимоий турмуш жараёнида (оиласда, маҳаллада) амалга оширилиши мумкин. Хусусан, Республикаизда “Одам савдосидан жабрланган шахсларни реабилитация қилиш Маркази”, “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Марказлари”, “Муайян яаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш Марказлари”, “Хокимликлар ҳузуридаги ижтимоий мослашув Марказлари” фаолияти йўлга кўйилган.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъruzасида «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш учун биз фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан самарали ҳамкорликни кенг йўлга кўямиз»<sup>27</sup>, деб таъкидладилар. Ушбу даъват ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга ундейди. Ушбу жараёнда албатта, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассасаларнинг зиммасига вазифа юкловчи нормаларнинг талабларини, шунингдек ушбу ҳамкорликни Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинадиган норматив хужжати билангина самарали ташкил этиш мумкинлигини инобатга олиш лозим ҳисобланади.

<sup>27</sup> Мирзиёев Ш. М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи. – 2016. – 7 дек.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Криминология. Дарслик (З.С.Зарипов умумий таҳрири остида) -Т., 2007, 430-431 бет.
2. Ички ишлар органлари профилактик фаолияти: Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти мутаҳасислиги учун: Маърузалар курси / А.С.Турсунов, И.Исмаилов, И.Ю.Фозилов, Б.Ф Алимов, З.А.Амиров, С.Б.Хўжакулев, Қ.А.Саитқулов, Ш.Р.Фоғуров; Масъул муҳаррир Б. А. Матлюбов — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018.
3. З.Я.Бабакаланов, И.Исмаилов, О.Т.Ахмедов. “Профилактика инспекторлари фаолиятини ташкил этиш асослари”. Ўқув-методик қўлланма,, ИИВ Академияси., Т.:2001., 45-56 бет.
4. ИИВ Академияси. “Харакатлар стратегияси асосида ИИО тизимидағи ислоҳотлар биринчи босқич якунлари ва ислоҳотлари” Х.Ў.Мухамедов. 2018й.
5. Исмаилов И. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик/И. Исмаилов, Қ. Р. Абдурасулова, И. Ю. Фазилов; Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 272 бет.
6. Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология. – Т., 1996 –130-бет.
7. Аванесов Г. А. Криминология и социальная профилактика. – М., 1999. – С. 226–230 бет.
8. Антонян Ю. М. Преступность и психические аномалии. – М., 1990. – С. 67 бет.
9. Криминология: Дарслик / Проф. З.С.Зариповнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2007. – 91-бет.
10. Криминология дарслик. Зарипов.С.З. таҳрири остида. Т-2007.
11. Камишников.А.П.Основы управления в правоохранительных органах.- М,2004.-С.27.
12. **Абдурасулова Қ.Р.** Криминология: Дарслик. - Т., 2008. - 307 бет.
13. Ле Бон Гюстав. Психология масс и народов. – М., 2000. – С 56.
14. Плевако Ф.Н. Избранные речи. – М., 1993. – С. 74.
15. Иншаков С.М. Зарубежная криминология. – М., 1997. – С. 47.
16. Nishimura K. On the Nagasaki Beat: the Art of Community Policing (Look Japan. 1997, March).
17. Уэда К. Преступность и криминология в современной Японии / Пер. с яп. – М., 1989. – С. 161.